

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ, НУКУС ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ, УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Ped.20.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУХАИРОВ РАВШАН АШУРАЛИЕВИЧ

**МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИДА КАСБИЙ-ПЕДАГОГИК
МАДАНИЯТНИ УЗЛУКСИЗ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Абдухаиров Равшан Ашуралиевич

Меҳнат таълими ўқитувчиларида касбий-педагогик маданиятни
узлуксиз ривожлантириш..... 3

Абдухаиров Равшан Ашуралиевич

Непрерывное развития профессионально-педагогической культуры у
учителей трудового обучения..... 23

Abdukhairov Ravshan Ashuralievich

Continuous development of professional and pedagogical culture of the
teachers of labour training..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ, НУКУС ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ, УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Ped.20.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУХАИРОВ РАВШАН АШУРАЛИЕВИЧ

**МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИДА КАСБИЙ-ПЕДАГОГИК
МАДАНИЯТНИ УЗЛУКСИЗ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.Phd/Ped.361 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек ва рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.karsu.uz) ҳамда «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Юзликаев Фарит Рафаилович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рўзиев Эркин Искандарович
педагогика фанлари доктори, профессор

Сейтмуратов Қалбай
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Гулистон давлат университети

Диссертация ҳимояси Қорақалпоқ давлат университети, Нукус давлат педагогика институти, Ургач давлат университети ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи DSc.28.12.2017.Ped.20.02 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «28» 08 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Академик Ч.Абдиров кўчаси 1-уй. Тел.: (+99861) 223-60-47; факс: (+99861) 223-60-87; e-mail: karsui_info@edu.uz).

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (14 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, Академик Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй). Тел.: (+99861) 223-60-47; факс: (+99861) 223-60-87

Диссертация автореферати 2019 йил «14» 08 куни тарқатилди.
(2019 йил «14» 08 даги 14 рақамли реестр баённомаси)



Ж.Базарбаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, фалс.ф.д., академик

З.К.Курбаниязова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, п.ф.н., доцент

Т.Т.Утебаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, п.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. “Европа олий таълим тизими архитектурасини уйғунлаштириш тўғрисида қўшма декларация” доирасида олий таълимни модернизациялашга оид инновацион ёндашувлар (Темпус ва Erasmus+ дастурлари) ҳамкорликнинг интеллектуал, маданий, ижтимоий ва техник асосларини мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, жаҳон маданияти концепциясини макро-, мезо-, микро даражаларда жорий этиш зарурати белгиланган. Хусусан, таълим сифати бўйича “Европа Кенгаши мамлакатларининг 2020 йилга қадар таълим ва кадрларни касбий тайёрлаш соҳасидаги Ҳамкорлик стратегияси” да келгуси авлод тарбиячиси ўқитувчилар шахси ва касбий-педагогик маданиятини компетенциявий ва акмеологик ёндашувлар асосида узлуксиз ривожлантириш, касбий камолотга эришиш жараёнини такомиллаштириш борасидаги илмий тадқиқотларнинг долзарблиги кўрсатиб ўтилган.

Жаҳондаги ривожланган мамлакатларда мактаб ўқитувчиларининг академик сафарбарлигини ошириш ва ўзаро ҳамкорлигини кенгайтириш, таълимда инновацион ёндашувлар ва технологияларга асосланган педагогик фаолиятини тарғиб қилиш, уларда шахсий ва касбий сифатларни, фалсафий ва педагогик қарашларни, методологик, дидактик, коммуникатив, методик ва бошқа компетенцияларни узлуксиз ривожлантириш технологиялари, шакл ва воситаларини такомиллаштириш борасидаги илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги замон шароитида компетенциявий ёндашув асосида меҳнат таълими ўқитувчиларида умумкасбий масалаларни ижодий ҳал этиш, юксак касбий ва ахлоқий сифатлар, тадқиқотчилик ва изланувчанлик қобилиятини, энг муҳими, касбий-педагогик маданиятни узлуксиз ривожлантириш муаммоларини тадқиқ этиш диссертация мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Республикамизда истиқлол даврида барпо этилган замонавий таълим муассасасаларида фаолият кўрсатаётган, ўз истеъдоди ва салоҳиятини ёрқин намоён қиладиган ўқитувчилар учун давлатимиз томонидан катта имкониятлар яратилмоқда. Жамият ривожланишининг ҳозирги босқичида ўзгараётган ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар таълимда прогрессив инновацияларга олиб келди. Таълимни ахборотлаштириш, технологиялаштириш, глобаллаштириш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси шароитида меҳнат таълими ўқитувчисига қўйилган малакавий талаблар ҳам кескин ортмоқда. Бугунги кунда меҳнат таълими ўқитувчисидан нафақат юқори малакага эга бўлиши, балки ўзгарувчан ахборотлар оқимида тўғри йўл танлай ола билиш, уларнинг касбий-педагогик маданиятини узлуксиз ривожлантиришни ҳам тақозо этади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “узлуксиз таълим тизимини янада ривожлантириш, таълим хизматлари имкониятларини ошириш¹” устувор

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами – Т.: 2017. – Б.39.

вазифа сифатида белгиланган. Шу боис меҳнат таълими ўқитувчиларида касбий-педагогик маданият компонентларини узлуксиз ривожлантиришнинг оптимал вариантларини танлаш ва унинг амалий асосларини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712 сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 декабрдаги “Педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1026-сон Қарори ва соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни ҳал этишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизнинг етук педагог олимлари А.И.Воробьев, Р.Х.Джураев, П.Т.Магзумов, Н.А.Муслимов, У.Н.Нишоналиев, Ў.Қ.Толипов, А.Р.Ходжабоев, Э.Т.Чориев, Н.Шодиев, Ш.С.Шарипов, О.А.Қўйсинов ва бошқалар томонидан меҳнат, касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш, уларда касбий кўникма ва малакалар, касбий компетентликни шакллантиришнинг ижтимоий ҳамда психологик-педагогик муаммолари тадқиқ этилган.

Бўлғуси ўқитувчиларда педагогик маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш муаммосининг турли жиҳатлари А.А.Ақромов, Н.А.Ақбаров, Б.Р.Джураева М.Э.Жумаев, Қ.Л.Ишонов, О.Мусурманова, Б.Х.Раҳимов ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишларида ўз аксини топган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимларидан А.Барцель, С.Я.Батышов, В.Беспалько, А.А.Вербицкий, Е.Ю.Дробиз, В.К.Дьяченко, И.Ф.Исаев, Л.Н.Коган, М.М.Левина, Л.М.Митина, М.Н.Николаева, Р.С.Сафин, В.А.Сластенин, М.Ф.Тарасенко, Н.Е.Шурковаларнинг тадқиқотларида бўлажак ўқитувчилар касбий маданиятининг асослари, ўқитувчиларнинг технологик маданияти масалалари тадқиқ қилинган.

Хорижий тадқиқотлар тажрибасида ижодкорлик ва педагогик маданиятни шакллантиришнинг илмий-фалсафий масалалари Ф.Баррон, Э.Де Боно, К.Роджерс, Т.Любард, С.Торджман, Е.Торранс, С.Вagner, D.Kulburn, A.J.Pierce, J.Hassard, E.L.Cowen, U.Mangal, A.Maslou, E.Johnson, F.Raymond, G.Kulanthaiivel каби олимларнинг илмий изланишларида акс этган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий тадқиқот ишлари режасининг ХТ-Ф2-003 “Умумий ўрта таълим мазмунини

модернизациялашнинг дидактик параметрлари ва стратегиясини белгилаш” (2007-2011 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади назарий ва технологик тайёргарлик воситаларини такомиллаштириш орқали меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик маданиятини узлуксиз ривожлантиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

меҳнат таълими ўқитувчиларида касбий-педагогик маданият шакллланганлиги ҳолатини ўрганиш ва уни узлуксиз ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини аниқлаштириш;

умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш ҳудудий марказларида меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик маҳорати ва маданиятини ривожлантириш тенденцияларини белгилаш;

меҳнат таълими ўқитувчилари касбий-педагогик маданиятининг таркибий қисмларини аниқлаш, уларнинг узлуксиз ривожланишига таъсир кўрсатувчи психологик-педагогик ва дидактик омилларни аниқлаш ҳамда тизимлаштириш;

меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик маданиятини узлуксиз ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик тузилмасини такомиллаштириш ва унинг самарадорлик даражасини аниқлаш ҳамда тажриба синов ишларинини ташкил этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида меҳнат таълими ўқитувчиларида касбий-педагогик маданиятни узлуксиз ривожлантириш жараёни белгиланган.

Тадқиқотнинг предмети меҳнат таълими ўқитувчиларида касбий-педагогик маданиятни узлуксиз ривожлантириш мазмуни, шакл, восита ва методлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида мавзуга оид психологик-педагогик адабиётларни ўрганиш, тарихий-қиёсий таҳлил, кузатиш, ижтимоий сўров, умумлаштириш, меҳнат таълими ўқитувчилари фаолиятини таҳлил қилиш, педагогик ташхислаш ва прогноз қилиш, педагогик тажриба-синов ва математик-статистик қайта ишлаш каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик маданияти компонентларининг (аксиологик, технологик, шахсий-ижодий сифатлар) узлуксиз ривожлантириш имкониятлари (тизимли режалаштириш, дидактик таъсир цикллари, мувофиқлаштириш) инновацион ёндашув ва педагогик шарт-шароитларнинг узвийлиги асосида аниқлаштирилган;

касбий фаолиятнинг диагностик мезонлари ва педагогик воситаларини интеграциялаш асосида меҳнат таълими ўқитувчилари касбий-педагогик маданияти тузилмасининг функционал жиҳатлари (лойиҳалаш, технологик таҳлил) ва компонентлари (когнитив, рефлексив-лойиҳалаш, шахсий, ижодий, фаолиятли, ҳиссий-амалий, дунёқараш) мазмуни такомиллаштирилган;

меҳнат таълими ўқитувчиларининг инновацияларга ижобий муносабатлари (фаол, конструктив, эмоционал) ва касбий-педагогик маданиятини узлуксиз ривожлантириш тизими шахсий-фаолиятли ёндашув омиллари (генотипик, ижтимоий фаоллик, реактивлик, рефлексив) асосида такомиллаштирилган;

меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик маданияти асосини ташкил этувчи касбий кўникмалар (назарий-методологик, технологик-методик) ва касбий аҳамиятга эга ахлоқий-маънавий сифатларни узлуксиз ривожлантириш технологиясини жорий этиш бўйича илмий методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

умумий ўрта таълим ҳамда малака ошириш ва қайта тайёрлаш муассасаларида меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик маданиятини узлуксиз ривожлантиришга қаратилган ташкилий-методик чора-тадбирларни такомиллаштириш механизми таклиф этилган, меҳнат таълими ўқитувчиларида касбий-педагогик маданиятни узлуксиз ривожлантириш мазмуни ва методларини такомиллаштиришга доир ўқув ресурслари яратилган;

меҳнат талими ўқитувчиларида касбий-педагогик маданиятни узлуксиз ривожлантиришнинг педагогик тузилмаси ишлаб чиқилган ва тажриба синовдан ўтказилган, умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик маданияти ривожланишини баҳолаш мезонлари ҳамда методикаси такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Хорижий ва ОАК рўйхатидаги илмий журналларда чоп этилган мақолалар, республика ва халқаро миқёсидаги илмий конференция материаллари, шунингдек диссертацияда фойдаланилган маълумотлар расмий манбалардан олинганлиги, таҳлил ва тажриба-синов ишларининг самарадорлиги математик-статистика методлар воситасида қайта ишланганлиги ҳамда асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсиялар ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти умумий ўрта таълим, малака ошириш ва қайта тайёрлаш ҳамда олий таълим муассасалари амалиётида меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик маданиятини узлуксиз ривожлантириш тизимини ташкилий-педагогик тузилма асосида самарали йўлга қўйишга, шунингдек тадқиқотнинг айрим натижалари меҳнат таълими бўйича ўқув дастурлари, ўқув-методик қўлланмалар, электрон ва бошқа воситаларнинг методик аппаратини такомиллаштиришга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти умумтаълим мактабларининг меҳнат таълими ўқитувчилари малакасини узлуксиз ошириш жараёнини такомиллаштириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва чора-тадбирлар дастурини тайёрлашда, методик ишларнинг мазмуни ва сифатига қўйиладиган давлат талабларини ишлаб чиқишда, шахсий-фаолиятли

инновацион ёндашувлар асосида технология фанидан ташкил этиладиган машғулотлар самарадорлигини оширишда методик манба вазифасини ўтайди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик маданиятини узлуксиз ривожлантириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик маданияти компонентларининг (аксиологик, технологик, шахсий-ижодий сифатлар) узлуксиз ривожлантириш имкониятларини (тизимли режалаштириш, дидактик таъсир цикллари, мувофиқлаштириш) аниқлашга доир илмий хулосалар асосида ишлаб чиқилган таклифлардан Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 декабрдаги 1026-сон қарорининг 3-илоvasи – “Мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг педагогик ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тўғрисида низом” асосида меъёрий-методик ҳужжатларни такомиллаштиришда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 29 майдаги 01-02/2-2-156-сон маълумотномаси). Ушбу меъёрий ҳужжатлар меҳнат таълими ўқитувчилари касбий-педагогик маданиятининг аксиологик, технологик ва шахсий-ижодий компонентларини узлуксиз ривожлантиришга хизмат қилган;

меҳнат таълими ўқитувчиларининг инновацияларга ижобий муносабатлари (фаол, конструктив, эмоционал) ва касбий-педагогик маданиятини узлуксиз ривожлантиришга доир таклифлардан Халқ таълими вазирининг 2018 йил 7 февралдаги “Методик хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, методистлар фаолияти самарадорлигини ўрганиш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича амалий ўқув семинарини ташкил этиш тўғрисида”ги 35-сон буйруғи билан тасдиқланган диагностик материалларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 29 майдаги 01-02/2-2-156-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар умумий ўрта таълим муассасаларида технология фанининг ўқув дастури ва методикасини такомиллаштиришга хизмат қилган;

меҳнат (технология) таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик маданиятини узлуксиз ривожлантириш тизимини шахсий-фаолиятли ёндашув омилларига асосланган ҳолда ривожлантиришга оид таклиф ва тавсиялар Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 декабрдаги 1026-сон қарорининг 3-илоvasи – “Мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг педагогик ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тўғрисида низом” асосида ўқув-методик таъминотини яратишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 29 майдаги 01-02/2-2-156-сон маълумотномаси). Натижада меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик маданиятини узлуксиз ривожлантириш имкониятини кенгайтиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та республика ва 5 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий-услубий иш чоп этирилган, шулардан, 1 та методик қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 11 таси республика ва 3 таси хорижий мамлакатлар журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 150 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлил этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, методлари, илмий янгилиги, олинган натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши ёритилган, эълон қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий-педагогик маданиятини ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик маданиятини ривожлантириш педагогик муаммо эканлиги назарий жиҳатдан илмий асослаб очиб берилган, меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий-педагогик маданиятини белгиловчи мезонлар аниқланган.

Жамият ривожланишининг ҳозирги замон босқичидаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар таълимда прогрессив инновацияларга олиб келди. Таълимни ахборотлаштириш, технологиялаштириш, глобаллаштириш, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграцияси шароитида ўқитувчилар, жумладан, меҳнат таълими ўқитувчиларининг малака даражасига қўйиладиган талаблар ортиб бормоқда. Бинобарин, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши кадрлар салоҳиятига, ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги, ташаббускорлиги, билими, қобилияти, ижодкорлиги, педагогик маданиятига боғлиқ. Бугунги кунга келиб шахс маданияти, айниқса, ўқитувчининг касбий-педагогик маданиятини ривожлантириш масаласи алоҳида долзарблик касб этмоқда. Чунки кишилик жамияти ривожланган сари касб маданиятига нисбатан кучли эҳтиёж вужудга келади. Бу муаммони ҳал қилиш учун энг аввало, ҳар бир ўқитувчининг касбий-педагогик маданиятини ривожлантириш лозим. Ўқитувчи таълим-тарбия ва маданият элтувчисидир. Бунинг учун эса, дастлаб шахснинг умумий ва касбий маданиятининг фалсафий асосларини чуқур ўрганиш талаб этилади. Инсон табиатнинг бир бўлаги шу билан бирга онгли маданиятли мавжудотдир. Инсоннинг ижтимоий-маданий моҳияти, маданиятни яратиш ва ўзлаштириш қобилиятига эга эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

“Педагогик маданият” тушунчаси илмий-маърифий адабиётларда кенг қўлланилган бўлиб, уни назарий жиҳатдан ўрганиш муаммоси ўзининг тўлиқ

ечимини топганича йўқ. Ўқитувчининг касбий-педагогик маданияти ижтимоий ҳодиса сифатидаги умумий педагогик маданиятнинг таркибий қисми ҳисобланади. Тажрибали педагоглар ва педагогик фаолият сирасорларни пухта эгалламаган ёки бевосита педагогик амалиёт билан шуғулланмаган шахслар ҳам педагогик маданиятнинг элтувчиси ҳисобланади. Лекин доимий ва узлуксиз равишда фақат педагогик фаолият билан шуғулланадиган, мунтазам педагогик мулоқотга киришадиган, профессионал педагогик фаолият субъекти бўлган меҳнат таълими ўқитувчилари касбий-педагогик маданият элтувчиларидир. Касбий-педагогик маданият модели аксиологик, технологик ва шахсий-ижодий компонентлардан иборат.

Ўқитувчиларда касбий-педагогик маданиятнинг ривожланиш қонуниятлари ва тенденциялари, уни такомиллаштириш муаммолари, касбий-педагогик маданиятнинг шаклланганлик даражасини диагностика қилишнинг назарий, концептуал ва технологик асослари муайян даражада ўрганилган. Умумий ўрта таълим мактаблари меҳнат таълими (технология) фани ўқитувчиларининг касбий-педагогик маданиятини узлуксиз ривожлантиришнинг ташкилий-методик асослари, уларда касбий-педагогик маданиятни ривожланишига таъсир этувчи педагогик омиллар ва шарт-шароитлар чуқур ўрганилмаган.

Меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик маданиятини ривожлантиришнинг концептуал асослари ишлаб чиқилмаганлиги, назарий ва амалий асосларининг етарлича шакллантирилмаганлиги уларнинг педагогик фаолиятида методологик муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бу эса меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий-педагогик тайёргарлиги ва маданиятини ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари ва технологиясини такомиллаштириш долзарб масалалардан бири эканлигини англатади.

Педагогик маданият – ўқитиш ва тарбиялаш соҳасида эришилган ютуқлар йиғиндиси. Педагогик фаолият билан машғул бўлган шахсларга жамият томонидан маълум бир ишонч ва талаблар мажмуасига ҳамда уларнинг мослиги назарда тутилади. Назарда тутилган мажмуа учта ташкилий қисмдан иборат: умумий маданият – инсоният томонидан эришилган ютуқларни ўзлаштириш даражаси; ўқитиш предмети ва технологиясидан иборат профессионализм; педагог ва унга хос бўлган касбий-шахсий сифат – ахлокий-этик ва ижтимоий хусусиятлар.

Касбий-педагогик маданият деганда биз умумий маданият, ижобий тажриба асосида шаклланган педагогик фаолият услубини, ўзида интеллектуал, маънавий, иждодий, педагогик қобилиятлар йиғиндисини, психологик-педагогик билимлар, педагогик кадриятларни ўзлаштириш жараёнида эгалланган кўникма ва малакаларни мужассам этувчи шахснинг интегратив хусусиятини тушунамиз.

Меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик маданиятини узлуксиз ривожлантириш жараёнини мураккаб педагогик тизим сифатида қараш мумкин. Меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик

маданиятини узлуксиз ривожлантириш методик тизимининг асосий ташкил этувчиси унинг психологик-педагогик тайёргарлиги ҳисобланади. У касбий-педагогик маданиятни узлуксиз ривожлантиришнинг бошқа ижтимоий-гуманитар, табиий-илмий, умуммеҳнат, тармоқ соҳаси бўйича тайёргарлик компонентларини бирлаштиради ва интеграциялаштиради, меҳнат таълими ўқитувчиларининг умуммеҳнат тайёргарлиги усулларини умумлаштиради. Меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик маданиятини узлуксиз ривожлантириш тизимининг компонентлари бирлиги схематик тарзда 1-расмда тасвирланган.



1-расм. Меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик маданияти компонентлари

Меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик маданияти компонентлари қаторига унинг қуйидаги касбий сифатларини киритиш мумкин: “Технология” фанининг назарий ва амалий асосларини чуқур билиш; турли материалларга, жумладан, ёғоч, металл, полимерларга ишлов бериш ва маҳсулотларни ишлаб чиқариш технологиясидан хабардорлик; меҳнат фаолияти жараёнида қўлланиладиган асбоб-ускуналарни танлаш ва уларни ишлатиш; машина, механизм ва станоклардан фойдаланиш; ўз педагогик меҳнат фаолиятини режалаштириш; оптимал усулларни қўллаб, ҳозирги замонавий асбоб-ускуналарни самарали ишлатиш техникаси ва технологияси; юқори технологик тартибга амал қилиш; меҳнат фаолиятида касбий билим малакаларни қўллаш; меҳнат ва иш ўринларини оптимал ташкил этиш; меҳнат хавфсизлиги қоидалари ва нормасига амал қилиш; ўқув

жиҳозлари, иш қуроллари, материаллар, энергияни тежаш, уларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш ва ҳақозолар.

Касб таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик маданиятини ўрганган олимлар, биринчидан, уларга илмий тушунча мақомини беришга, иккинчидан, ҳар қандай педагогнинг касбий-педагогик маданияти касбий фаолият мазмунига кўра ўзига хос хусусиятга эга эканлигини кўрсатишига ҳаракат қилишган. Қатор тадқиқотчилар томонидан “касбий-педагогик маданият” тушунчасига берилган таърифларнинг педагогик маданиятнинг таркибий қисми сифатида талқин этишга асос бўлди.

Педагогик маданият – шахс умумий маданиятининг таркибий қисми бўлиб, у касбий маданиятнинг алоҳида тури сифатида намоён бўлади. Бироқ у умумий маданият таркибида ҳам мавжуддир. У педагогик жараённинг интегратив тавсифини мужассам этиб, ижтимоий тажриба ва касб маданиятини яхлитлигича ифодалайди. У ўзида билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш ва авлоддан-авлодга узатишга йўналтирилган фаолиятни мужассамлаштиради.

Касбий-педагогик маданият моҳиятини тушунмоқ учун умумий ва касбий маданиятнинг ўзаро боғлиқлигини, унинг ўзига хослигини очиб берувчи қуйидаги қоидалардан ташкил топганлигини англаш талаб этилади:

касбий-педагогик маданият – бу педагогик реалликнинг турли даражаларда намоён бўладиган умумий характеристикаси;

касбий-педагогик маданият – бу ўзида тузилмавий-функционал компонентларни бирлаштирувчи тизимли таълим.

Кўрсатиб ўтилган методологик асосларни эътиборга олиш меҳнат таълими ўқитувчиларида касбий-педагогик маданият моделини асослаш имконини беради. Унинг тузилмаси аксиологик, технологик ва шахсий-ижодий ва бошқа компонентлардан ташкил топади.

Меҳнат таълими ўқитувчилари касбий-педагогик маданиятининг аксиологик компоненти: педагог ўз ишининг моҳир устасига айланади, педагогик фаолиятнинг барча сир-асрорларини ўзлаштиради ва ривожлантиради, педагогик кадриятларни эътироф этади.

Касбий-педагогик маданиятнинг технологик компоненти: педагогик фаолиятнинг барча усул ва услубларини камраб олади, педагогик фаолият ўз табиатига кўра технологик фаолият, шу боис педагогик фаолиятни тезкор таҳлил этишни талаб этади ва бу кўплаб педагогик, масалан, аналитик-рефлексив, конструктив-прогностик, ташкилий-фаолиятли, баҳолаш-ахборот, тузатиш-мувофиқлаштириш масалаларни ечишга имкон беради. Бу эса технологик касбий-педагогик маданиятни ташкил этади.

Касбий-педагогик маданиятнинг шахсий-ижодий компоненти: педагогик маданият кадриятларини ўзлаштириб, ўқитувчи уларни талқин этади, ўзгартиради, бу эса унинг ўзига хослиги, педагогик фаолияти характери билан белгиланади. Педагогик ижодкорлик ўқитувчидан индивидуал эркинликни, мустақилликни талаб этади.

Шахсга йўналтирилган фаолиятли ёндашув нуқтаи назаридан меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий-педагогик маданияти тизимидаги

рефлексив-лойихалаш компоненти қатор хусусият ва сифатларини белгилаб беради. Шунинг учун касбий-педагогик маданият тузилмаси таркибига педагогик рефлексияни ҳам киритиш лозим. Педагогик рефлексия-бу махсус психологик таълим бўлиб, меҳнат таълими ўқитувчиси ўқувчилар, ҳамкасблари, маъмурият ва ота-оналар билан мулоқот қилганда ўзи ҳақидаги тасаввурни кучайтириш имконини беради.

Меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий-педагогик маданияти даражалари унинг таркибий қисмларида ўз ифодасини топади. Шартли равишда улар кундалик, мослашувчи, изланувчи, муаллифлик ва ижодкорлик кўрсаткичлари сифатида ифодаланadi. Педагогик тадқиқотлар натижаси бизга касбий-педагогик маданиятнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга имкон берди ҳамда меҳнат таълими ўқитувчиларида уни ривожлантириш тизимини ишлаб чиқишга асос бўлди.


Диссертациянинг иккинчи боби “**Меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик маданиятини ривожлантириш тизими**” деб номланган бўлиб, унда ўқитувчи касбий-педагогик маданиятининг таркибий қисмлари, ўз-ўзини англаш, тажрибаси, ишончи ва фикрларини ривожлантириш механизмлари ва унинг концептуал асослари ҳақида сўз юритилган.

Меҳнат таълими ўқитувчилари касбий-педагогик маданияти ривожлантириш учун тадқиқот жараёнида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилди:

1. Меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий-педагогик маданияти ривожланиши унинг қандай педагогик муҳитда фаолият кўрсатаётганлигига, у билан ўзаро ҳамкорлик қиладиган раҳбарлар, ҳамкасб ўқитувчиларнинг педагогик маданиятининг ўзаро таъсирига боғлиқлиги.

2. Меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий-педагогик маданияти онгидаги умумийлик, яхлитлик муҳим аҳамиятга эга, улар бир-бирига зид бўлиши ҳам мумкин эмас. Шу боис меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик маданияти ва фаолиятнинг ривожланиши жараёни яхлит тарзда ўрганилади.

Диссертациянинг иккинчи бобида келтирилган таҳлиллардан кўринадики, умумий ўрта таълим мактабларида, қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнида меҳнат таълими ўқитувчиларида касбий-педагогик маданиятни ривожлантиришнинг методик тизими бир неча босқичларни назарда тутди. Уларнинг ҳар бири ўз мақсади, вазифаси, мазмуни ва методига эга. Меҳнат таълими ўқитувчиларининг педагогик фаолияти ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнида меҳнат таълими ўқитувчиларида касбий-педагогик маданиятни ривожлантиришнинг педагогик тузилмаси 2-расмда тасвирланган. Меҳнат таълим ўқувчиларида касбий-педагогик маданиятни узлуксиз ривожлантиришнинг педагогик тузилмаси компонентлар, воситалар, таълим мазмуни, жорий этиш ва натижани баҳолаш мезон ва кўрсаткичларидан иборат.




2-расм. Меҳнат таълим ўқувчиларида касбий-педагогик маданиятни узлуксиз ривожлантришнинг педагогик тузилмаси

Ушбу педагогик тузилманинг асосий мазмуни бир нечта компонентлардан ташкил топган. Касбий-педагогик маданиятни узлуксиз ривожлантриш жараёни қуйидаги вазифаларни бажаради: ўқитувчиларни касбий-педагогик маданиятни ривожлантришга қизиқтириш, педагогик фаолият ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнида меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик маданияти тўғрисидаги билим ва

тушунчалар билан бойитиш; ўқитувчиларни касбий-педагогик фаолият бўйича методик ишларга йўналтириш ва тайёрлаш, замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишга, методик ишларни бажаришга тайёрлаш, уларга илмий-педагогик изланишларга оид ижодий ишлар йўналишлари мавзуларни танлашларида ёрдам бериш.

Меҳнат таълими ўқитувчисининг ўзи ҳақидаги тасаввурларини доимий равишда аниқлаб бориши, унга ўз олдига муайян талаблар қўйиш имконини беради. Бунинг натижасида меҳнат таълими ўқитувчиси ўзининг ютуқ ва камчиликларини аниқ билиб олади, ўз олдига янги мақсадлар қўяди. Ўзининг фаолияти натижаларини англаш, касбий билим, кўникма ва малакаларини ҳамкасблариники билан қиёслаш, ўз касбига оид қўшимча маълумотлар олиш, ўзининг касбий-педагогик фаолиятини доимий равишда баҳолаб бориш, ўз фаолиятини лойиҳалаш, ўз олдига педагогик мақсад қўйиш ва бошқалар унинг касбий-педагогик маданиятини ривожлантириш омили ҳисобланади.

Меҳнат таълими ўқитувчиси касбий фаолияти жараёнида ўзининг педагогик имкониятларини рўёбга чиқаришга ҳаракат қилади (3-расм).



3-расм. Меҳнат таълими ўқитувчиси ўзи ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш

3-расмдан кўринадикки, меҳнат таълими ўқитувчиси ўз-ўзини касбий-педагогик ривожлантиришининг олти босқичи тўғрисида визуал тасаввурга эга бўлади.

Илмий-тадқиқотлар жараёнида яна қуйидагилар аниқланди ва таҳлил қилинди: меҳнат таълими ўқитувчиларида касбий-педагогик ўз-ўзини англаш кўникмаси ривожланишининг бошланғич даражаси; меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик маданиятга муносабатлари; меҳнат

таълими ўқитувчиларининг педагогик инновацияларга муносабатлари; меҳнат таълими ўқитувчиларида касбий-педагогик тажриба ва маданиятнинг ривожланганлиги даражаси.

Касбий-педагогик маданиятни узлуксиз ривожлантиришнинг педагогик тузилмасини, меҳнат таълим ўқувчиларининг ўзи ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш бизга уларнинг касбий-педагогик маданиятини ривожлантиришга йўналтирилган таълим жараёни самарадорлиги даражасини аниқлашга имкон берди.

Диссертациянинг **“Меҳнат таълими ўқитувчиларида касбий-педагогик маданиятни узлуксиз ривожлантиришга йўналтирилган таълим жараёнининг самарадорлик даражаси”** деб номланган учинчи бобида меҳнат таълими ўқитувчиларида касбий-педагогик маданиятни ривожлантиришга йўналтирилган тажриба-синов ишлари ва унинг натижалари математик статистик таҳлили келтирилган.

Тажриба-синов ишлари жараёнида меҳнат таълими ўқитувчиларида педагогик маданиятни ривожлантириш қонуниятлари ва шахсий-фаолиятли ёндашувнинг назарий қоидаларига таянилди.

Меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий-педагогик фаолиятидаги мустақил ва тобе ўзгарувчиларни аниқлаш мақсадида қуйидаги ишлар амалга оширилди: меҳнат таълими ўқитувчиларининг педагогик фаолияти, қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнида ўқув машғулотларни кузатиш ва таҳлил қилинди; малака ошириш тизими ва меҳнат таълими ўқитувчилари билан сўровномалар ўтказиш; илғор меҳнат таълими ўқитувчиларининг педагогик тажрибаларини умумлаштириш, дарсларига кириш, уларнинг шахсий тажрибаларини таҳлил этиш, ўқитувчилар аттестацияси ҳамда уларнинг мустақил таълими билан боғлиқ бўлган индивидуал кундалик услубий ўқишларини кузатиш ва баённомалар юргизиш; тажриба-синовда иштирок этувчи меҳнат таълими ўқитувчилари билан суҳбатлар ўтказиш; меҳнат таълими ўқитувчилари иш жойларидаги педагогик фаолият натижаларини ўрганиш (шахсий педагогик ютуқлар, ўқувчиларнинг шахсий ютуқлари).

Тажриба-синов ишлари давомида дастлаб меҳнат таълими ўқитувчиларининг шахсий-касбий сифатлари аниқланди; кейин меҳнат таълими ўқитувчиларининг таълим амалиёти ва парадигмаларга оид саволларга жавоблари таҳлил қилинди; сўнг меҳнат таълими ўқитувчиларининг мустақил таълим олишга қизиқишлари қайд этилди.

Меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик маданияти ривожланишининг шахсий-фаолиятли йўналиши педагогларга ўзини ва ўзининг педагогик имкониятларини тушуниб олиш, педагогик маълумотга мустақил эришиш имконини беради.

Меҳнат таълими ўқитувчилари касбий-педагогик маданиятининг динамик ривожланиши шундан иборатки, меҳнат таълими ўқитувчилари касбий-педагогик маданиятнинг биринчи даражасидан иккинчи даражасига тўлиқ, яъни 100% кўтарилиши кузатилмади. Бироқ педагогик ҳодисаларни "ўлчаш" шуни кўрсатдики, кўтарилиш-силжишлар педагогик маданият

ривожланишининг "синов" даражасига эга бўлган меҳнат таълими ўқитувчилари гуруҳларида сезиларли даражада намоён бўлди.

Агар тажриба-синов ишларигача, у 23,11% ни ташкил этган бўлса, унинг якуни 4,71% ни ташкил этди, яъни биз аниқлаган "ишчи касб синдроми" барча меҳнат таълими ўқитувчилари касбий-педагогик маданияти ривожланишининг янада юқорирок даражасига кўтарилиш имконини берди.

Тажриба-синов ишларигача касбий-педагогик маданият ривожланишининг муайян даражасига эга бўлган меҳнат таълими ўқитувчилари бошқа гуруҳга ўта олди (43,62%). Шундай қилиб, ривожланишнинг "изланиш" даражасига эга бўлган меҳнат таълими ўқитувчилари 39,81%, муаллиф-ижодкор даражадагиларида эса 19,03% ривожланиш кузатилди. Тажриба-синов ишларида жами 277 респондент иштирок этди.

1-жадвал

Тажриба ва назорат гуруҳлари якуний баҳоларининг кўрсаткичлари (тажриба боши ва якунида)

Гуруҳлар	Респондентлар сони	Уч даражада тўғри жавоблар		
		Юқори (5)	Ўртача (4)	Пастки (3)
Тажриба гуруҳи	140	32	100	8
Назорат гуруҳи	137	6	88	43

Тажриба ва назорат гуруҳлари якуний баҳоларининг кўрсаткичлари фоиз ҳисобида ҳар бир меҳнат таълими ўқитувчисининг ўзлаштириш коэффициенти (%) ҳисобида қуйидаги формула бўйича аниқланди:

$$K = \frac{J}{Q} 100\%$$

Бунда J –берилган савол, масала ва топшириқларга олинган тўғри жавоблар учун операциялар (амаллар) сони, Q –меҳнат таълими ўқитувчиларининг умумий сони.

2-жадвал

Тажриба ва назорат гуруҳларида касбий-педагогик маданиятни ривожлантириш бўйича кўрсаткичлари (% ҳисобида)

№	Баҳолар	Гуруҳлар	
		Тажриба гуруҳларида	Назорат гуруҳларида
1	Юқори	$K_1 = \frac{32}{140} * 100\% = 23\%$	$K_1 = \frac{6}{137} * 100\% = 4,4\%$
2	Ўртача	$K_1 = \frac{100}{140} * 100\% = 71,4\%$	$K_1 = \frac{88}{137} * 100\% = 64,2\%$
3	Пастки	$K_1 = \frac{8}{140} * 100\% = 5,6\%$	$K_1 = \frac{43}{137} * 100\% = 31,4\%$


Қуйидаги кўрсатилган қаторда 1- ва 2-танлов гуруҳлари жавобларининг натижалари берилган.

Биринчи танлов	X _i	юқори	ўртача	паст
Тажриба гуруҳи 140	n _i	32	100	8

Иккинчи танлов	Y _i	юқори	ўртача	паст
Назорат гуруҳи 137	n _i	6	88	43

Тажриба ва назорат гуруҳларидаги меҳнат таълими ўқитувчилари билимларини ўзлаштиришдаги фарқларнинг статистик қийматини баҳолаш учун Фишер тақсимотидан фойдаландик. Бунда Фишернинг критик ва эприк қийматлари ҳам таққосланади.

$$\Phi_{эмт} = \frac{\bar{X} - \bar{Y}}{\sqrt{\frac{D_m}{M} + \frac{D_n}{N}}} \text{ бўлиб, фишернинг критик қиймати } \Phi(t_{кр})=1,67 \text{ га тенг}$$



4-расм. Меҳнат таълими ўқитувчиларида касбий-педагогик маданиятининг ривожланганлик кўрсаткичи

Бу ерда педагогик гипотеза сифатида агар $\Phi(t_{кр}) > \Phi_{эмт}$ бўлса H_0 гипотеза, акс ҳолда H_1 гипотеза қабул қилинади. Бошқача айтганда меҳнат таълими ўқитувчиларда касбий-педагогик маданият ривожланиши бўйича олиб борилган тадқиқот иши натижалари самарасиз ёки самаралли эканлиги текширилади.

Тажриба синов ишларимизда олинган натижаларга кўра $\Phi_{эмт} = 7,92$ га тенг. Бундан кўринадики $\Phi(t_{кр}) = 1,67 < \Phi_{эмт} = 7,92$ бўлиб H_1 гипотеза қабул қилинади. Яъни меҳнат таълими ўқитувчиларида касбий-педагогик

маданиятни ривожлантириш бўйича олиб борилган тадқиқот иши натижалари самарали эканлиги исботланди.

Юқорида кўрсатилган танлов учун ўзлаштиришнинг ўртача коэффиценти синовдан сўнг маълум даражада ўзгариш бўлганлигини, яъни самарадорлик кўрсаткичи 1,18 бараборга юқори бўлганлигини кўришимиз мумкин.

Тажриба-синов ишлари натижалари шуни кўрсатдики, меҳнат таълими ўқитувчиларининг 4,71% да касбий-педагогик маданият ривожланиши назорат гуруҳида қолди. Бу шуни кўрсатдики, мазкур тоифадаги меҳнат таълими ўқитувчиларига ўзига хос методик асосда ёндашмоқ лозим. Бунда "ишчи касбий синдром"нинг салбий оқибатларини бартараф этишга эътибор қаратилиши керак. Уларнинг руҳий имкониятларига таянилган ҳолда касбий-педагогик маданиятларни ривожлантириш муҳим педагогик аҳамиятга эга.

ХУЛОСА

1. Меҳнат таълими ўқитувчиларида касбий-педагогик маданиятни узлуксиз ривожлантириш бўйича шахснинг имконияти нуқтаи-назаридан тадқиқ этилди. Бунда унинг даражаси ижодкорлиги ва касбий компитентлиги билан белгиланади. Ўқитувчининг маълум ютуқларга эришишга, касбий-педагогик маданиятини узлуксиз ривожлантириш йўлидаги интилишлари тизимлашган интегратив хусусиятини, яъни педагогик фаолиятининг турли йўналишларида мустақил тарзда муваффақиятларга эришишга интилиши даражасини акс эттиради. Ўқитувчиларда касбий-педагогик маданиятни узлуксиз ривожлантириш зарурийлиги педагогик шарт-шароитлари аниқланди.

2. Касбий-педагогик маданиятнинг юксак даражада ривожланганлиги меҳнат таълими ўқитувчисининг ўз касбий фаолияти жараёнида таълимнинг янги усул ва шакллари ишончли тарзда қўллаши билан белгиланади. Шу боис касбий-педагогик маданияти ривожланган меҳнат таълими ўқитувчилари мустақил ҳаракат қилади ва эришилган ютуқлар аҳамиятини англаган ҳолда келгуси фаолиятини режалаштириши аниқланди.

3. Меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий-педагогик маданияти деганда, бир-бирини тўлдирувчи, ўзаро боғлиқ бўлган педагогик тажрибалар ва фикрлар йиғиндисини назарда тутади. Ўқитувчи касбий педагогик маданияти тизимида касбий сифатларини ва ўз-ўзини англаш етакчи бўғин сифатида намоён бўлиши исботланди.

4. Педагогик рефлексия-ўзгарувчан вазиятларда меҳнат таълими ўқитувчисининг ўз-ўзини касбий белгилаб олиш, фаолиятини лойиҳалаштириш, назарий билимларни амалиётга қўллаш педагогик маданиятнинг муҳим қисми ҳисобланади. Меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик маданиятини узлуксиз ривожлантириш модели такомиллаштирилди, малака ошириш курсларида ўқитишда

самарадорликка эришишга хизмат қилиши тадқиқотлар жараёнида ўз тасдиғини топди.

5. Меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик маданиятининг муайян қисмлари ривожланишининг тўрт даражаси билан аниқланади: а) бошланғич (синов); б) мослашган; с) амалиётчи-изланувчан; д) муаллиф-ижодкор. Ушбу даражалар меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий педагогик маданиятини рефлексив-лойиҳалаш, ҳиссий-амалий ва дунёқарабини эгаллаганлик даражасини ўлчаш асосида қайд этилиши мумкин.

6. Меҳнат таълими ўқитувчиси касбий-педагогик тажрибасининг бойиши имкониятлари, касбий ўз-ўзини англаш, педагогик маданиятининг ривожланганлиги, амалий фаолият ва мулоқот кўникмалари билан белгиланади.

7. Ўтказилган тажриба-синов ишлари натижаларини математик - статистик усуллар ёрдамида қайта ишлаш асосида тадқиқотда илгари сурилган ғояларнинг қониқарли даражада тўғри қўйилганлиги асосланди. Меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик маданиятини узлуксиз ривожлантириш бўйича ўтказилган тажриба-синов иши якуни унинг самарадорлигини тасдиқлади.

8. Меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий-педагогик тайёргарлигини узлуксиз ривожлантиришда ижодий ёндашув ва унинг шакллари (малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимидаги ўқув курслар, умумтаълим мактаб фаолияти, педагогик мустақил таълим) ўзаро таъсирини мантиқан тўғри амалга ошириш, педагогик назария ва амалиёт ўртасидаги керакли мутаносибликни ўрнатиш, ўқув машғулотлари мақсадлари, мазмуни, шакли, усуллари ва воситаларини тўғри танлаш имконини бериши аниқланди: а) меҳнат таълими ўқитувчиси шахси фаолият субъекти сифатида кўриб чиқилди; б) меҳнат таълими ўқитувчиларининг шахси бошқа одамлар билан биргаликда фаолият кўрсатиши ва мулоқотларга киришиши натижасида шаклланади ва ривожланади; в) меҳнат таълими ўқитувчисининг шахси педагогик фаолият ва мулоқот характерини белгилаб беради.

9. Педагогик тайёргарлик босқичларини амалга ошириш масаласи ҳар бир меҳнат таълими ўқитувчисининг иш жойида, малака ошириш тизимида касбий-педагогик тайёргарлик машғулотлари мазмунини бирлаштиришга хизмат қилувчи тамойилларга таянишни талаб қилади. Уларга қуйидаги тамойиллар тегишлидир: ўқув ва касбий эркинлик, ижобий ҳиссиётлар ва кечинмалар, шахсий ютуқларга эришиш, таълим жараёнидан қониқиш, шахснинг касбий ривожланиши, мунтазам равишда педагогик фаолиятни таҳлил қилиб бориш.

10. Меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик маданиятини узлуксиз ривожлантиришга қаратилган методик қўлланма яратилди, педагогик тайёргарлик тизимини лойиҳалаштирилди, меҳнат таълими

Ўқитувчиларнинг касбий-педагогик маданиятини ривожланишининг педагогик тузилмаси такомиллаштирилди, таълим муассасалари педагогик жамоаси ишлари тажрибасини умумлаштириш асосида самарали натижаларга эришилди.

Автореферат «Илим хэм жэмийет» журналада тахрирдан ўтказилди
(12.08.2019 йил).

Босишга рухсат этилди: 13.08.2019 йил.
Буюртма №0091. Адади 100 нусха. Бичими 60x84
Босма табағи 3,0. «Times New Roman» гарнитураси.
Ажинёз номидаги НДПИ босмахонасида чоп этилди.
Нукус П.Сейтов кўчаси р/у.

